



МИНТАҚАВИЙ АГРОСАНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР

Рахмонова Сарвиноз

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази
ORCID: 0009-0003-1040-8085
sarvinoz.rahmonova1990@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга оид илмий қарашлар таҳлил қилинган. Глобаллашув шароитида агросаноат соҳасини модернизация қилиш, ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишнинг назарий асослари ёритилган. Хорижий ва маҳаллий олимларнинг агросаноат мажмуаси ҳамда кластерлаштиришга оид ёндашувлари умумлаштирилган. Таҳлил натижалари кластер ёндашуви минтақавий агросаноатнинг барқарор ривожланиши ва рақобат устунлигини таъминлашда муҳим институционал механизм эканлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: минтақавий ривожланиш, агросаноат мажмуаси, агрокластер, кластерлаштириш, рақобатбардошлик, қўшилган қиймат занжири, интеграция.

НАУЧНЫЕ ВЗГЛЯДЫ, ПОСВЯЩЕННЫЕ РАЗВИТИЮ РЕГИОНАЛЬНОГО АГРОПРОМЫШЛЕННОГО ПРОИЗВОДСТВА

Рахмонова Сарвиноз

Научно-исследовательский центр
«Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана»
при Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В статье проанализированы научные подходы к развитию регионального агропромышленного производства. Рассмотрены теоретические основы модернизации агропромышленного комплекса в условиях глобализации, обеспечения внутреннего рынка конкурентоспособной продукцией и расширения экспортного потенциала. Обобщены взгляды зарубежных и отечественных ученых на формирование агропромышленных комплексов и кластерных структур. Сделан вывод о том, что кластерный подход является эффективным институциональным механизмом обеспечения устойчивого развития и конкурентных преимуществ регионального агропромышленного производства.

Ключевые слова: региональное развитие, агропромышленный комплекс, агрокластер, кластеризация, конкурентоспособность, цепочка добавленной стоимости, интеграция.

SCIENTIFIC VIEWS ON THE DEVELOPMENT OF REGIONAL AGRO-INDUSTRIAL PRODUCTION

Rakhmonova Sarvinoz

Scientific Research Center "Scientific Foundations and Problems of the Development of the Economy of Uzbekistan" under Tashkent State University of Economics

Abstract. *This article analyzes scientific approaches to the development of regional agro-industrial production. The theoretical foundations of modernization of the agro-industrial complex under globalization, ensuring domestic market supply with competitive products, and expanding export potential are examined. The views of foreign and domestic scholars on agro-industrial integration and cluster-based development are systematized. The study concludes that the cluster approach serves as an effective institutional mechanism for ensuring sustainable development and competitive advantages of regional agro-industrial production.*

Keywords: *regional development, agro-industrial complex, agro-cluster, clusterization, competitiveness, value-added chain, integration.*

Кириш.

Глобаллашув шароитида агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Минтақаларда қишлоқ хўжалиги фаолиятини самарали ташкил этиш ва қайта ишлашни модернизация қилиш аҳолини сифатли озиқ-овқат билан таъминлашда муҳим. Айниқса, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига ички истеъмол бозорини барқарор тўйинтиришга қаратилган тизимли ва чуқур ислоҳотларни амалга ошириш зарурати янада ортиб бормоқда. Натижада жаҳон амалиётида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда улар томонидан ишлаб чиқарилган хом ашёни қайта ишловчи агросаноат корхоналари фаолиятини ўзаро уйғунлаштириш асосида интеграциялашган агросаноат мажмуалари шакллана бошлади.

Адабиётлар шарҳи.

Минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш масалалари иқтисодий адабиётларда кенг ёритилган бўлиб, ушбу муаммога хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан турли ёндашувлар таклиф этилган. Жумладан, Вартанова (2016) таъкидлашича, минтақалар иқтисодиёти барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг рақобатбардошлигини оширишда агросаноат соҳасини изчил ривожлантириш ҳал қилувчи омил бўлиб, у орқали аҳолини асосий истеъмол товарлари билан ишончли таъминлаш имкони яратилади.

Дохолян (2016) эса, "Рақобатлашган бозор иқтисодиёти шароитида минтақалар агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг назарий асосларини такомиллаштириш, ушбу соҳани барқарор ривожлантиришнинг илмий-амалий, услубий асосларини тадқиқ этиш ва тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши ҳар қандай мамлакат иқтисодий ислоҳотларининг устувор йўналишлари қаторидан ўрин эгаллайди", деган хулосага келади.

Замонавий иқтисодий тадқиқотларда минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда агросаноат мажмуаси ёки агрокластерлар фаолиятини самарали ташкил этиш орқали юқори рақобатбардошликка эришиш мумкинлиги ҳақида турли илмий ёндашувлар шаклланган. Хусусан, Т.Г.Гурнович, В. Маслова, Е.И. Артемова ва А.И. Индюков каби олимлар ўз тадқиқотларида минтақа иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш, маҳаллий истеъмол бозори учун импорт ўрнини босувчи

маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда агросаноат соҳасининг моддий-техник базасини модернизация қилиш, инвестицион жозибадорликни кучайтириш ҳамда бошқарувнинг замонавий механизмларини жорий этиш масалаларини атрофлича таҳлил қилганлар (Индюков, 2014).

Шунингдек, минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини қишлоқ хўжалиги ихтисослашуви асосида ташкил этиш, яъни муайян турдаги маҳсулот етиштирувчи фермер хўжаликлари ҳамда ушбу маҳсулотларни қайта ишловчи саноат корхоналарини ягона агросаноат мажмуаси ёки кластер тизимига бирлаштириш орқали юқори иқтисодий самарадорликка эришиш мумкинлиги ҳақида илмий жиҳатдан асосланган хулосалар шакллланган.

Тадқиқотлар кўрсатишича, минтақанинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашуви ҳамда унинг бошқа ҳудудларга нисбатан мавжуд нисбий устунликларини ҳисобга олган ҳолда агросаноат мажмуасини шакллантириш маҳсулот ишлаб чиқариш занжирини рационаллаштириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, минтақада муайян ёки янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларининг самарадорлигини таъминлашда жараёнда иштирок этувчи корхона ва ташкилотлар ўртасидаги кооперация ва интеграцион алоқаларни янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланади. Натижада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлиги ошади, бу эса ўз навбатида минтақа аҳолисининг даромадлари ва умумий турмуш даражасининг юксалишига хизмат қилади.

Рақобатбардошлик назариясининг асосчиларидан бири Майкл Портер (1998) тадқиқотларида ҳам рақобат муҳити шароитида минтақавий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга оид муҳим илмий ёндашувлар илгари сурилган. Унинг таъкидлашича, муайян тармоқ доирасида географик жиҳатдан бир ҳудудда жойлашган корхоналар, ташкилотлар ва институтлар ўртасида тармоқлараро ҳамкорлик ва кооперацияни шакллантириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва шу асосда юқори рақобатбардошликка эришиш мумкин. Олимнинг илмий изланишларида жаҳоннинг етакчи мамлакатлари тажрибаси таҳлил қилиниб, уларда рақобат устунлиги кўп жиҳатдан ҳудудий кластерлар шаклланиши билан боғлиқ эканлиги асослаб берилган. Хусусан, айрим мамлакатларда минтақалар, жумладан қишлоқ ҳудудларида агросаноат бирлашмаларини кластер тамойили асосида ташкил этиш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини сезиларли оширишга эришилгани қайд этилган.

Шу асосда минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда иштирокчи субъектлар ўртасидаги интеграцион алоқаларни мустаҳкамлаш зарурлиги тўғрисида илмий хулосага келиш мумкин.

Циханнинг (2003) фикрича, қишлоқ хўжалигида ўзаро боғлиқ хўжалик юритиш шакллари агросаноат бирлашмалари ёки агрокластерлар таркибига интеграциялаш ва уларни ягона бошқарув тизими асосида мувофиқлаштириш иқтисодий самарадорликни сезиларли даражада оширади ҳамда минтақавий агросаноат соҳасининг барқарор рақобат устунлигини таъминлайди.

Шунингдек, Б.Лаундвалл ва Б.Ёнсонлар томонидан ишлаб чиқилган “Ривожланиш блоклари” концепциясида ҳам минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш орқали рақобат устунлигига эришиш мумкинлиги борасида илмий хулосалар олинган (Саидахмедов, 2023). Унга кўра, минтақаларда ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил этилиши ва улар фаолиятини таълим хизматлари кўрсатувчи муассасалар билан ўзаро алоқадорлигини таъминланиши нафақат минтақа балки, яхлит иқтисодиётнинг глобал рақобатбардошлигини ошириш имкониятларини кенгайтиради.

Олимлар томонидан минтақаларда ишлаб чиқариш бирлашмаларини шакллантириш зарурлиги ҳақида билдирилган фикрлар маҳсулот ишлаб чиқариш занжири иштирокчилари ўртасидаги кооперация ва интеграция алоқаларини мустаҳкамлаш муҳимлигини англатади. Айрим тадқиқотларда бундай тузилмалар агросаноат мажмуаси сифатида талқин этилса, бошқа манбаларда улар агрокластер тушунчаси орқали изоҳланади.

Шу билан бирга, мазкур бирлашмалар фаолиятини таълим ва илмий муассасалар билан узвий боғлаш ҳақидаги таклифлар инновацион ривожланишга устувор аҳамият қаратилганини кўрсатади. Зеро, замонавий рақобат шароитида устунликка эришишнинг муҳим омилларидан бири юқори инновацион фаоллик ва янги технологияларни жорий этиш қобилияти ҳисобланади.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан Муродовнинг (2014) таъкидлашича, агрокластер — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва реализация қилиш босқичларини ягона технологик занжирга бирлаштирувчи тизим бўлиб, замонавий инновацион технологияларни жорий этиш орқали маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади [9]. Шу билан бирга, агрокластерлар қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда маҳсулот сифати ва экологик муҳитни яхшилаш каби вазифаларни ҳам бажаради.

Муродов (2014) агросаноат кластерларининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатади:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳудудий ихтисослашув ва тармоқ субъектлари ўртасида барқарор кооперацион алоқаларнинг шаклланиши;
- қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган технологик занжирнинг тармоқлараро интеграция асосида ташкил этилиши.

Саидахмедовнинг (2023) фикрича, агрокластер — бир хил ёки ўзаро яқин соҳаларда фаолият юритувчи, географик жиҳатдан бир ҳудудда жойлашган ва технологик жиҳатдан ўзаро боғланган корхоналар гуруҳи бўлиб, улар рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида бирлашади.

Мамадалиев (2021) агрокластерлар маҳаллийлаштириш дастурларининг самарадорлигини оширишда муҳим восита эканини таъкидлайди.

Шундай қилиб, маҳаллий олимлар агрокластерни ҳудудий ихтисослашув, кооперация ва технологик интеграцияга асосланган институционал тизим сифатида талқин қиладилар.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада илмий манбаларнинг контент-таҳлили, қиёсий-таҳлил, тизимлаштириш ва умумлаштириш усулларидан фойдаланилди. Хорижий ва маҳаллий олимларнинг минтақавий агросаноат ривожланиши, агросаноат мажмуаси ҳамда кластерлаштиришга оид ёндашувлари ўзаро таққосланди. Тадқиқотда агросаноат занжирининг “ишлаб чиқариш–қайта ишлаш–логистика–маркетинг” босқичлари бўйича қўшилган қиймат назарияси асос қилиб олинди. Олинган натижалар асосида минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда кластер ёндашувининг институционал афзалликлари илмий жиҳатдан асосланди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Олиб борилган назарий таҳлиллар шуни кўрсатадики, минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини модернизация қилиш ва унинг рақобатбардошлигини оширишда маҳсулот ишлаб чиқариш занжири иштирокчилари ўртасида барқарор интеграцион алоқаларни шакллантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Кластер ёндашуви мазкур жараёни институционал жиҳатдан мувофиқлаштириш имконини бериб, ишлаб

чиқариш, қайта ишлаш, логистика ва маркетинг босқичларини ягона тизимга бирлаштиради.

Таҳлил натижаларига кўра, минтақавий агросаноатни кластер тамойили асосида ташкил этиш қуйидаги иқтисодий самарадорлик омилларини таъминлайди:

– ҳудудий ихтисослашув асосида ресурслардан самарали фойдаланиш ва муайян маҳсулот турлари бўйича рақобат устунлигини шакллантириш;

– кооперация ва интеграция алоқаларини кучайтириш орқали транзакцион харажатларни камайтириш;

– ички қўшилган қиймат занжирини шакллантириш ҳисобига капитализация даражасини ошириш;


– ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштириш орқали маҳсулот таннархини пасайтириш;

– сифат назоратини марказлаштириш ва стандартлаштириш орқали бозорда барқарор мавқени таъминлаш;

– янги ички ва ташқи бозорларга чиқиш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш.

Минтақавий кейс таҳлили (Самарқанд вилояти узумчилик-қайта ишлаш кластери мисолида)

Минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини кластер тамойили асосида ташкил этишнинг амалий самарадорлигини баҳолаш мақсадида Самарқанд вилояти узумчилик ва узумни қайта ишлаш йўналишида шаклланган интеграциялашган тузилмалар мисолида таҳлил амалга оширилди. Мазкур ҳудуд табиий-иқлим шароити, агротехнологик тажриба ва экспортга йўналтирилган қайта ишлаш корхоналари мавжудлиги билан ихтисослашув устунлигига эга. 2010–2023 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида узумчилик тармоғи динамикаси таҳлил қилинганда барқарор ўсиш тенденцияси кузатилди.



1-расм. 2023 йилда вилоятлар кесимида етиштирилган узум ҳажми, минг тн.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги. Қишлоқ хўжалиги кўрсаткичлари (вилоятлар кесимида). https://api.siat.stat.uz/media/uploads/sdmx/sdmx_data_412.xlsx

2024 йилда узумчилик ишлаб чиқариши ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда тармоқнинг юқори даражада ҳудудий концентрацияси кузатилади. Ишлаб чиқаришнинг 68 фоизи тўртта вилоят ҳиссасига тўғри келиши аграр ихтисослашувнинг шаклланганлигини кўрсатади. Самарқанд вилояти 663,7 минг тонна ҳажм билан мутлақ етакчи ҳисобланади ва республика улушининг 36 фоизини таъминлайди.

Ҳудудий тафовутлар табиий-иқлим шароити, суғориладиган ерлар улуши, узумчилик анъаналари, қайта ишлаш инфратузилмаси ва экспорт имкониятлари билан изоҳланади.

Таҳлил натижалари узумчилик тармоғини кластерлаштириш ва ҳудудий ихтисослашувни янада чуқурлаштириш республика агросаноат мажмуасининг рақобатбардошлигини оширишда муҳим омил бўлишини кўрсатади. Самарқанд вилоятининг узумчиликдаги устунликларини қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, табиий-иқлимий шароитлар. Вилоятда қуёшли кунлар сонининг кўплиги, сув таъминоти имкониятлари ва тоғ олди зоналарининг мавжудлиги узум навларининг юқори сифат кўрсаткичлари билан етиштирилишини таъминлайди;

Иккинчидан, тарихий-агротехнологик анъаналар. Самарқанд узумчилиги кўп асрлик тажрибага эга бўлиб, маҳаллий навлар ва агротехника тизими шаклланган. Бу меҳнат унумдорлигининг юқори бўлишига хизмат қилади.

Учинчидан, қайта ишлаш ва кластер инфратузилмасининг ривожланганлиги. Вилоятда шаробчилик, қуритилган узум (майиз) ишлаб чиқариш, сақлаш ва экспорт логистикаси тизими шаклланган. Бу хомашёдан юқори қўшилган қиймат яратиш имконини беради.

Тўртинчидан, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятлари. Самарқанд вилояти ташқи бозорларга янги узум, майиз ва шароб маҳсулотларини етказиб бериш бўйича етакчи ҳудудлардан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, айрим ҳудудларда (масалан, Тошкент вилояти ва Сурхондарё вилояти) 2022–2024 йилларда маълум пасайиш динамикаси кузатилган. Бу ерда ер ресурсларининг қайта ихтисослашуви, сув ресурслари тақчиллиги ёки бозор конъюнктураси омиллари таъсир кўрсатган бўлиши мумкин.

Ҳудудий концентрация коэффиценти таҳлили Самарқанд вилоятида узумчилик тармоғи юқори даражада жамланганлигини кўрсатади. Бу уни агросаноат кластер моделида “якор ҳудуд” сифатида шакллантириш имконини беради. Кластер ёндашуви асосида ишлаб чиқариш–қайта ишлаш–сақлаш–экспорт занжирини интеграциялаштириш тармоқ самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Умумий илмий хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, 2010–2024 йилларда Ўзбекистонда узумчилик тармоғи барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб, ҳажм қарийб 1,9 баробар ошган.

Самарқанд вилояти республика узум ишлаб чиқаришининг асосий драйвери ҳисобланади ва умумий ҳажмнинг тахминан учдан бир қисмини шакллантиради, вилоятда табиий-иқлимий, агротехнологик ва институционал омиллар рақобатбардош устунликни таъминламоқда.

Узумчиликни кластерлаштириш ва қайта ишлашни чуқурлаштириш орқали қўшилган қийматни ошириш имкониятлари юқори.

Кластерлашув шароитида хом узум экспортига нисбатан қайта ишланган маҳсулот экспорти ички қўшилган қиймат улушини ошириш имконини яратади. Қайта ишлаш боқичининг ривожланиши:

- маҳсулот капитализациясини оширади;

- нарх барқарорлигини таъминлайди;
- экспортдаги қиймат улушини кўпайтиришга хизмат қилади.

Бу ҳолат минтақанинг экспорт салоҳиятини ошириш билан бирга, даромадларни диверсификация қилиш имконини ҳам яратади.

Самарқанд вилояти мисоли шуни кўрсатадики, кластер тизимида:

- кооперация шартномаларининг барқарорлиги;
- ягона сифат стандартларининг жорий этилиши;
- агротехнологик инновацияларнинг тез жорий қилиниши;
- логистика инфратузилмасининг марказлашуви минтақавий агросаноатнинг рақобат устунлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шундай қилиб, кластерлаштириш минтақавий агросаноат ривожланишининг стратегик ва институционал жиҳатдан самарали модели сифатида намоён бўлади. Ушбу ёндашув ҳудудий ихтисослашув хусусиятларини инобатга олган ҳолда қўлланилганда, минтақанинг иқтисодий барқарорлиги ва узоқ муддатли рақобат устунлигини таъминлаш имконини яратади.

Хулоса ва таклифлар.

Олиб борилган назарий таҳлиллар минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш замонавий иқтисодий шароитда интеграция ва кластерлаштириш тамойилларига асосланиши зарурлигини кўрсатди. Адабиётлар шарҳи натижалари агросаноат соҳасида қўшилган қиймат занжирини шакллантириш, ҳудудий ихтисослашувни чуқурлаштириш ҳамда кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш рақобатбардошликни оширишнинг муҳим омиллари эканлигини тасдиқлади.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, агросаноат ишлаб чиқаришини кластер тамойили асосида ташкил этиш ишлаб чиқариш-қайта ишлаш-сотиш босқичларининг ўзаро мувофиқлашувини таъминлайди, ички қўшилган қиймат улушини оширади ва минтақанинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлайди.

Шу жиҳатдан, кластерлаштириш минтақавий агросаноат ривожланишининг институционал жиҳатдан самарали модели сифатида баҳоланиши мумкин. Ушбу ёндашувни амалга ошириш орқали ҳудудий иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш, экспортбоп маҳсулотлар улушини ошириш ва барқарор рақобат устунлигини шакллантириш имконияти яратилади.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Porter, M. (1998). *clusters and the New Economics of competition*. Harvard Business Review. URL: <https://hbr.org/1998/11/clusters-and-the-new-economics-of-competition>.

Вартанова М.Л. (2016) Теоритические основы формирования агропродовольственного рынка региона // Российское предпринимательство. -Т. 17. - №24. – с. 3487-3504.

Дохолян С.В. Вартанова М.Л. (2016) Обеспечение эффективности функционирования продовольственного рынка в условиях конкурентной среды // Российское предпринимательство. -Т. 17. - №17. – с.2153 -2178.

Индюков, А.И. (2014) Модернизация материально-технической базы аграрного производства: диагностирование состояния и приоритеты развития / А. И. Индюков, Т. Г. Гурнович. – Ставрополь : Агрус, – 188 с.

Мамадалиев К.К. (2021) Инновации как фактор экономического развития аграрного сектора // Life Sciences and Agriculture. №1 (5). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsii-kak-faktor-ekonomicheskogo-razvitiya-agrarnogo-sektora>.

Муродов Ч., Хасанов Ш., Муродова М. (2014) Агрокластер: ташкил этишининг назарий асослари. // Иқтисод ва молия илмий журнали. № 2. 19-25 бетлар.

Саидахмедов У. (2023) Кластер назарияси ва унга амалий ёндашувлар. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations. Issue – 4 №2. 51-56 бетлар.

Фармон (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон Фармони “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришининг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тўғрисида” // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

Цихан Т.В. (2003) Кластерная теория экономического развития // Теория и практика управления. № 5. с. 40.